

## ЮҚОРИ БОСИМЛИ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ГАЗ ХАВФИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

**О. Ражабов**

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси*

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳаларида ва аҳоли томонидан табиий газ ресурсларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Аҳоли ўртасида ва иқтисодиёт тармоқларида газ хавфи билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳамда ҳар хил аварияларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда оловни юзага келтирувчи манбаалардан бири табиий газнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Маълумки, кундалик ҳаётимизда асосан икки хилдаги газдан фойдаланамиз. Булар метан ва пропан газларидир.

Сўнгги вақтларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, “Худудийгазтаъминот” корхоналари томонидан суюлтирилган пропан газини билан тўлдирилган маиший газ баллонлари етказиб берилмоқда. Бунда маиший газ баллонларидан фақатгина овқат тайёрлаш мақсадида фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиб, газ тўлдириш масканларида баллонларга марказлашган ҳолда техник хизмат кўрсатилиши, уларнинг синовдан ўтказилиб, газ тўлдирилиши ҳамда махсус жиҳозланган транспортларда аҳоли пунктларига ва тарқатиш шаҳобчаларига транспортировка қилиниши ташкил этилган.

Газ баллонларига газ тўлдирувчи томонидан техник хизмат кўрсатиш, синовдан ўтказувчи мутахассислар ҳамда транспортировка қилувчилар махсус тайёргарликдан ўтказилган бўлиб, тегишли малака кўникмаларига эга ва улар даврий йўриқномалардан ўтказилиб борилади.

Газ баллонларидан фойдаланиш тартиби меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб берилган қоидалар асосида хонадаонларни газ баллонлар билан жиҳозлаш ҳамда уларни тарқатиш жараёнида истеъмолчиларга ўргатиб борилиши ташкил этилган. Маиший газ баллонларидан хавфсиз фойдаланиш учун барча чоралар кўрилсада, айрим ҳолларда улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар юз бераётганлигини аҳоли ўртасида газ баллонларидан билиб билмасдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши ва уларнинг техник носозлиги оқибатида кўплаб ёнғин-чақнашлар юз бераётганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас [1].

Шуни мисол келтириш мункинки, 2008 йилнинг июль ойлари ўртасида Тошкент шаҳрининг Қўйлуқ даҳасида жойлашган “Метан” газ қўйиш шаҳобчасида бир неча кун давомида газ ҳидининг чиқишини сезишган, лекин ўз вақтида шаҳобча фаолиятини тўхтатиб тегишли чоралар кўришмаган, натижада кучли портлаш юз бериб, бир неча инсонлар турли хил оғир тан жароҳатлари

олишган. Бундан ташқари йил мобайнида бир неча автомобилларнинг нотўғри эксплуатация қилиш оқибатида, метан газининг портлаши ҳолатларини мисол келтириш мумкин [2].

Ушбу ноҳуш ҳолатлар асосан нотўғри фойдаланиш, техника хавфсизлигига риоя этмаслиги туфайли юзага келиши эҳтимоли мавжуд:

газ баллондан газни юқори тезликда олишда, газ жўмрак орқали, баллондаги чиқиш жойини электр зарядланиши ва учқун ҳосил қилиши натижасида;

- баллондаги газ босимининг рухсат этилган босимда тўлдириш (баллондаги босимнинг қуёш нури ёки бошқа иссиқлик манбаи таъсирида) жараёнида;

- баллон металининг емирилиши натижасида деворининг юпқаланиши, баллон ишлаб чиқилишида талабга жавоб бермайдиган металлдан фойдаланганда, қишки вақтда ҳаво ҳароратининг пасайиши билан металнинг пластиклик хусусияти пасайиб, зарб етказилганда газ баллон корпусининг парчаланиши;

- баллонларнинг ўз вақтида техник созлиги ва яроқлилиги махсус рухсатномага эга бўлган ташкилотлар томонидан текширувдан яъни махсус лабораторияда синовдан ўтказмасдан узоқ вақт давомида эксплуатация қилиш давомида портлаши ёки ёрилиши мумкин [3].

Баллонлар бино иншоотларнинг ичида ёки атмосфера ёғинлари ва қуёш нуридан ҳимояланган ҳолда ташқарида сақланиши зарурлиги бўйича талаблар "Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари. ЁХҚ-01-97"нинг 2.2-бандида, ШНК 2.04.08-13ни 9.44-бандида ва СТХ 15-107-14 "Газ ҳўжалигидан техник фойдаланиш қоидалари"нинг

533-бандида, шунингдек "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари"нинг 6-бандига белгилаб берилган [4].

Газлаштирилган хоналарда газ баллонлари хона иситиш тизимининг радиатори ёки иситиш печидан, газ плитасидан, бошқа электр иситиш мосламаларидан ва очиқ алангали иситиш манбааларидан қандай масофада бўлиши шартлиги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари"нинг 18.17-бандида "Газлаштирилган хоналарда газ баллонлари хона иситиш тизимининг радиаторидан ва иситиш печидан

1 (бир) метрдан кам, иситиш печи дарчасидан 2 метрдан кам масофада жойлаштирилиши тақиқланганлиги" белгилаб қўйилган [5].

Баллон металининг емирилиши натижасида баллон деворининг юпқаланиши, зарб етказилганда баллон метали парчаланишини олдини олиш мақсадида тўлдирилган баллонлар вертикал (тик) ҳолда сақланиши ва унинг йиқилмаслиги учун барча чоралар кўрилиш шартлиги "Босим остида ишловчи сиғимларнинг тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидаси"нинг 19-илоvasи 10-бандида белгилаб берилган [6].

Баллонларнинг узоқ вақт давомида эксплуатация қилиш давомида портлаши ёки ёрилишини олдини олиш учун, уларнинг техник созлиги ва яроқлилиги махсус рухсатномага эга бўлган ташкилотлар томонидан ўз вақтида текширувдан яъни махсус лабораторияда синовдан ўтказилиши шартлиги "Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигини эксплуатация қилиш техник қоидалари"нинг 11.4.12-бандида фойдаланишда бўлган газ баллонлари 5 йилдан кам бўлмаган муддатда даврий қиёслашдан ўтказилиши шартлиги" қуйидаги талабларга мувофиқ белгилаб қўйилган бўлиб шундан:

- "Аҳоли кўп йиғилган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари" ҳамда "ЎзР ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари" талабларини ШНК 2.04.08-13нинг 9.44-бандига асоан ушбу қоидалар талабларига кўра газ баллон ускуналар жавоннинг ўрнатилиши шартлиги, уни ўрнатишга қўйилган техник шартлар ва баллонлар сони белгиланиши;

- газ баллонлари иситиш радиатори ёки печидан, газ плитасидан, бошқа электр иситиш мосламаларидан ва очиқ алангали иситиш манбааларидан қандай масофада сақлаш меъёрлари "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари"га риоя қилиниши;

- газ ускуналари ўрнатилган ошхона ва бошқа тегишли хоналарда газ хавфсизлиги таъминлаш учун махсус газанализаторлар ўрнатиш ва доимий равишда жумраклар, уланган жойлардан газ сизиб чиқиш ҳолатларини назорат қилиб туриш;

- баллонларнинг техник созлиги ва яроқлилиги махсус рухсатномага эга бўлган ташкилотлар томонидан ўз вақтида текширувдан яъни махсус лабораторияда синовдан ўтказилиши бўйича талаблар "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари"нинг

18- бандига асосан синовдан ўтмаган газ баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ҳамда истеъмолчи маиший газ баллонини тўлдирилишга олиб бориши тақиқланиши бўйича тегишли бандлар киритилиши ва ушбу талабларга асоан аҳолига ва идораларда юқоридан қайд этилган хавфсизлик чорарига жавоб бермайдиган газ баллонларидан умуман фойдаланмаслик тўғрисида алоҳида кўрсатма ва тегишли идоралар маъсуллигини ошириш хавфсизлик чораларини янада кучайтиришга эришилади [7].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хавфли табиий ва техноген таҳдидлар юзага келишини ўз вақтида профилактика қилиш, уларни олдини олиш ва салбий таъсирларини камайтириш тадбирларини олдиндан ўтказилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Фавқулодда вазиятлар рўй берганда ҳар бир инсон вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўғри ҳаракат қилиб, саросимага тушмасдан хотиржамликни сақлаган ҳолда иш кўриши, ўзига ва ўзаро биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини билсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2022 йил 17 август.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 2009 йил 30 сентябрь.
3. "Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари. ЁХҚ-01-97";
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5706-сонли Фармони 2019 йил 10 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4276-сонли Қарори 2019 йил 10 апрель.
7. Верескун А.В., Аюбов Э.Н., Прищепов Д.З., Применение современных информационно-коммуникационных технологий в решении задачи минимизации и ликвидации последствий проявления терроризма, Научный публицистический сборник «Проблемы безопасности и чрезвычайных ситуаций». [Текст] Всероссийский Институт научной и технической информации, Москва, 2013. выпуск №3. С. 76-79.
8. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
10. [www.google.ru](http://www.google.ru)